O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 30-MART ■ SESHANBA ■ 38 (27.213) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ЁВУЗ КУЧЛАР ХАЛҚИМИЗНИ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

**Маълумки, 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бу воқеалар натижасида бир неча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлди ва турли даражада тан жароҳати олди.**

**Бу жиноий ишларга алоқадорликда гумон қилинаётган бир неча шахслар қўлга олиниб, ҳозирги вақтда тергов ишлари олиб борилмоқда.**

**Шу воқеалар муносабати билан Президент Ислом Каримов Ўзбекистон телевидениеси учун махсус интервью берди.**

Авваламбор, рўй берган мудҳиш воқеаларда бегуноҳ қурбон бўлганларга, ҳалок бўлган милиция ходимларининг оила аъзолари, қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзиямни изҳор этиб, ярадор бўлганларга ўз ҳамдардлигимни билдирмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари.

Президент ушбу воқеалар, улардан чиқадиган хулоса ва сабоқлар ҳақида тўхталар экан, қуйидаги ҳолатларни алоҳида таъкидлади.

Дастлабки хулоса шуки, бундай ёвуз хатти-ҳаракатлар мамлакатимиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч ҳаёти, эришаётган ютуқларимизни кўролмайдиган қора, қабиҳ ниятли кучлар томонидан амалга оширилгани аён бўлмоқда.

Бундан кўзланган мақсад — эл-юртимизнинг тинчлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштириш, одамларнинг юрагига ғулғула, ваҳима солиш, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатимизга бўлган ишончни йўқотиш, эзгу ният ва амалий ишларимизга тўсиқ бўлишдан иборатдир.

Бу масала бўйича тергов олиб бораётган ваколатли органлар томонидан бугуннинг ўзида тўпланган ашёвий далиллар, шу жумладан, қурол-яроғ, портловчи моддалар, экстремистик руҳдаги диний адабиётлар, тинч аҳолига талафот етказишга мўлжалланган воситаларнинг мавжудлиги амалга оширилган бу террористик хуружларга бир неча ой давомида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик кўрилгани, бунинг ортида катта маблағ ва имкониятларга эга бўлган экстремистик марказлар турганини кўрсатмоқда, деди Президент.

Аслида бу террорчилик хуружларини қабиҳ кучлар Наврўз кунлари, одамлар майдон ва хиёбонларга тўпланиб, байрам қилаётган жойларда амалга оширишни мўлжаллаган эди. Бизнинг байрамни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш масаласига катта эътибор қаратганимиз уларнинг разил режаларини барбод қилгани маълум бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу воқеаларнинг бундан беш йил олдин, 1999 йил февраль ойида Тошкент шаҳрида содир этилган портлашлар билан боғлиқлигини, уларнинг услуби ўхшашлигини ҳам пайқаш қийин эмас.

Яна бир кўзга ташланадиган жиҳат — террорчилар бу жиноятларни асосан одамлар гавжум жойларда, бозорлар, савдо дўконлари, транспорт бекатлари атрофларида амалга оширишга уринишган.

Содир этилган жиноятларнинг яна бир хусусияти — ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиб, бошқа бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлиш ва талафот етказиш ҳолатлари бизнинг шароитимизда илгари рўй бермаган эди.

Буни баъзи хорижий мамлакатларда бугунги кунда учраётган қўпорувчилик ҳаракатларининг нусхаси ва кўриниши деб баҳолаш мумкин.

Мамлакатимизда рўй берган мазкур воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура раҳбарларидан иборат таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилди.

Вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам ҳокимлар раҳбарлигида ана шундай комиссиялар тузилиб, тезкор амалий ҳаракатлар бошланди ва бу ишлар ўз натижаларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари, мана шундай масъулиятли бир шароитда ўз юртининг тинчлигини, аёлларимиз ва болаларимиз, кексаларимизнинг осойишта ҳаётини сақлашни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган ҳар қайси юртдошимиз, ҳар қайси фуқаро бу ишга ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Маҳаллаларда, турар жойларда ўз уйимизни ўзимиз асраш бўйича барча чораларни кўришимиз, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймаслигимиз, дўсту душманни яхши таниб олишимиз керак.

Мана шундай мураккаб вазиятда мен кўпни кўрган, машаққатли синовларда ўзининг мардлиги ва матонатини намоён этган, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла жамоатчилигига, барча маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, менинг болаларим, фарзандларим бўлган маҳалла посбонларига алоҳида мурожаат қилмоқчиман, деди Ислом Каримов. Ишонаманки, сизлар бундай ғаразли хуружларга қарши ўз қатъий фаолиятингиз, жонкуярлигингиз билан халқимизни бирлаштиришга, бир мушт бўлиб ёвуз кучларга қарши зарба беришга қодир эканингизни бу сафар ҳам амалда кўрсатасизлар.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини букολмайди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошидан кечирган ва уларни мардона енгиб ўтган. Шунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, бундай жирканч, ёвуз балоқазоларни таг-томири билан юлиб ташлашимиз, бизга ато этилган гўзал ва бетакрор юртимиз тинчлигини сақлашимиз зарур.

Мен мана шундай вазиятда 1999 йили Олий Мажлис минбарида туриб айтган гапларимни яна такрорламоқчиман. Биз манфур террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз, уларни маблағ билан таъминлаётган манбаларни, одамларни дин ниқоби остида чалғитиб, мудҳиш жиноятларга йўллаётган куч ва марказларни албатта аниқлаймиз. Ўз халқига, ўз ватанига қўл кўтарган, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган разил кимсаларнинг қилмишларини фош этиб, халқимизга кўрсатамиз, деди пировардида Президент Ислом Каримов. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қурбимиз ҳам албатта етади.

**(ЎзА)**

## *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ*

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 2004 йил 29 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 26 март.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

**1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисида.**

**2. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).

**3. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).

**4. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).

**5. «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).

**6. «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.**

**7. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкоралаштиришга (легаллаштиришга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).

8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

✧ ✧ ✧

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

**Олий Мажлисда**

# ИШЧИ ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ

29 апрель куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Шу муносабат билан унга тайёргарлик кўриш ва юқори савияда ўтказиш юзасидан Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров бошчилигида депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Гуруҳ раҳбари мажлисни очар экан, парламентнинг навбатдаги сессияси мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисидаги масала, жамиятимиздаги демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга, ахборот технологияларини жорий этишга қаратилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар кўриб чиқилишини таъкидлади. Сессияни сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш, депутатлар самарали ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Сессиянинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан унга парламент қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партиялар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари томонидан кўрилган тайёргарликка боғлиқ. Мажлисда, шунингдек, депутатлар ишчи гуруҳининг ҳозирги кундаги асосий вазифаси сессия муҳокамасига киритиладиган барча ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлашдан иборат эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Депутатлар ишчи гуруҳи фаолияти самарали бўлишини таъминлаш мақсадида унинг таркибида учта кичик гуруҳ тузилди. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов бошчилик қиладиган гуруҳ Олий Мажлис муҳокамасига киритиладиган қонун лойиҳалари вақтида тайёрланишини, сессияга доир материаллар депутатларга олдиндан етказиб берилишини таъминлаш ҳамда ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан тушадиган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш ишларини амалга оширади.

Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг раиси М.Миролимов етакчилигидаги кичик гуруҳ журналистларни аккредитация қилиш масалаларини ҳал этади, парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг қонунчилик ишидаги иштироки оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилишини ташкил қилади. «Рада-Мажлис» электрон овоз бериш тизими аниқ ишлашини ва ялпи мажлислар залида синхрон таржима қилинишини таъминлаш вазифаси ҳам мазкур кичик гуруҳ зиммасига юклатилди.

Учинчи кичик гуруҳ эса сессия вақтида депутатлар унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш масалалари билан шуғулланади. Ушбу кичик гуруҳга Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И.Қаландаров бошчилик қилади.

Депутатлар ишчи гуруҳлари аъзолари амалга ошириладиган ишлар режасини атрофлича муҳокама қилишди ва сессияга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга оид масалалар юзасидан ўз таклифларини билдиришди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

# РАСМИЙ АХБОРОТ

2004 йил 29 мартга ўтар кечаси ва шу куни эрталаб Тошкент шаҳрида бир қатор террористик ҳаракатлар содир этилди. Жумладан, Чорсу бозори ҳудудидаги «Болалар дунёси» магазинига кираверишда амалга оширилган портлаш натижасида икки киши ҳалок бўлди. Улардан бири мазкур магазиннинг қоровули, иккинчисининг шахси аниқланмоқда. Етти киши турли даражада тан жароҳати олди.

Дастлабки маълумотларга кўра, бу фожиага қўлда ясалган портлатиш мосламасининг номаълум шахс томонидан ҳаракатга келтирилгани сабаб бўлган.

Шу куни соат 9 дан 24 минут ўтганда «Кўкалдош» мадрасаси ёнида террорчининг белига боғланган қўлда ясалган яна бир портлатиш мосламаси ҳаракатга келтирилди. Ушбу жиноятни содир этган террорчининг шахси аниқланмоқда.

Мазкур портлашлардан аввал қуйидаги воқеалар содир бўлган эди. 28 март кечқурун ва 29 март тонгида қуролланган жиноятчилар хизмат вазифаларини бажараётган милиция ходимлари ва патрул постларига ҳужум қилди. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати ёнидаги «Қушбеги» кўчасида милиция ходимлари хатти-ҳаракатлари шубҳали кўринган уч номаълум шахсни тўхтатиб, ҳужжатларини текширмоқчи бўлганларида, улар милиционерларга қарата қуроллардан ўқ узишган. Натижада катта лейтенант М.Турғунов воқеа жойида ҳалок бўлган, капитан М.Қолдибоев эса жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган.

29 март куни эрталаб соат 5 да Тошкент трактор заводи яқинидаги чорраҳада қуролланган учта жиноятчини қўлга олиш пайтида икки милиция ходими ҳалок бўлди.

28 март куни кеч соат 22.00 га яқин Бухоро вилоятининг Ромитан тумани «Қаҳрамон» қишлоғида яшовчи нафақахўр Неъмат Раззоқовнинг уйида юз берган портлаш натижасида тўққиз киши ҳалок бўлди.

Дастлабки тергов маълумотларига кўра, бу уйдан террористик актларни содир этиш мақсадида селитра ва алюминий кукуни аралашмасидан тайёрланган портловчи мосламалар топилган.

Тергов гуруҳлари Тошкент шаҳри ва Ромитан туманида содир этилган портлашларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқламоқда.

Дастлабки тергов маълумотлари мазкур террористик актлар тайёргарлиги ташкилий равишда ва кенг миқёсда олиб борилганлигидан далолат беради. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятидан топилган кўплаб миқдордаги аммиак селитраси, алюмин кукуни, детонаторлар буни исботлаб турибди. Жумладан, Тўйтепа шаҳрида яшовчи Фурқат Юсупов 10 дона портлатиш мосламасини Тошкентга олиб келаётганида қўлга олинган.

Бу ва бошқа далиллар энг аввало Тошкент ва унинг атрофида содир этишга мўлжалланган террористик ҳаракатларга одамлар юрагига қўрқув ва ваҳима солиш, уларнинг ҳаётига хуруж қилишни мақсад қилиб олган тажрибали жангарилар томонидан жиддий ва узоқ муддат давомида тайёргарлик кўрилганидан далолат беради.

Террорчи гуруҳларнинг ёвуз ва узоқни кўзлаб амалга оширган шу ва бошқа шунга ўхшаш жиноий ҳаракатларини тергов қилиш ва олдини олиш мақсадида:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида махсус ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари киритилди;

— Барча вилоятларда вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар раҳбарлари ва терроризмга қарши кураш бўйича етакчи мутахассислардан иборат комиссиялар тузилди;

— Мамлакат ҳудудида террористик ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўрилди ва кўрилмоқда. Бу йўналишда маҳалла қўмиталари ва жамоат ташкилотлари билан тегишли ишлар олиб борилмоқда;

— Ташкил этилган комплекс гуруҳлар тергов ишларини бошлаб юбордилар. Террористик хуружлар ва уларнинг манбаларига қарши курашни мувофиқлаштириш мақсадида қўшни мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари билан алоқалар ўрнатилди.

Террористик ҳаракатларни тергов қилиш ва олдини олиш бўйича ташкил этилган ҳукумат комиссияси республика аҳолисини ҳушёрлик ва огоҳликка, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмак беришга чақиради.

**(ЎзА)**

# ТЕРРОРЧИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида хорижий давлатлар элчихоналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров 28-29 март кунлари пойтахтимизда ҳамда Бухоро вилоятида содир этилган террористик ҳаракатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари бошланганини маълум қилди.

Дастлабки тергов маълумотлари мазкур террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик ташкилий равишда ва кенг миқёсда олиб борилганидан далолат беради. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида қўлга олинган кўплаб миқдордаги аммиак селитраси, алюмин кукуни ва детонаторлар буни исботлаб турибди.

Бундай жиноятларнинг сабабини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида махсус ҳукумат комиссияси ташкил этилганини Бош прокурор таъкидлаб ўтди.

Ташқи ишлар вазири С.Сафоев дунё бўйлаб террорчилик ҳаракатлари содир этиш кўпайганини, жаҳон ҳамжамияти бу машъум балога қарши ҳамкорликдаги курашни янада кучайтириши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

**(ЎзА)**

# ТЕРМИЗДА ТЎХТАБ ЎТДИ

**Термиз (ЎзА мухбири Чори Тўхтаев).** Расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасига кетаётган Афғонистон муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзай Термизда тўхтаб ўтди.

Юксак мартабали меҳмонни Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров кутиб олди.

Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг ўзаро муносабатлари, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик, Афғонистон иқтисодиётини тиклашда Ўзбекистон кўрсатаётган ёрдам каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Афғонистон ва Ўзбекистонни яхши қўшничилик ва дўстлик ришталари боғлаб туради, — деди Ҳамид Карзай. — Афғонистон бошига кулфат тушганида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзганини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.



# БАЛИҚЧИДА БЕШИНЧИ ҚЎШМА КОРХОНА



**Суратларда:** қўшма корхонанинг илғор пиликловчиси Раъноҳон Назарова; бинонинг умумий кўриниши.

**Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар**

Балиқчи — Андижон вилоятининг йирик туманларидан бири. Ҳозир бу ерда бешта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда «Балиқчитекстиль» акциядорлик жамияти (Ўзбекистон), «ISBE Holding AG» фирмаси (Швейцария) ва «Schulz export-import» фирмаси (Германия) ҳамкорлигида барпо этилган «Балиқчитекс» фойдаланишга топширилди.

Унинг низом жамғармаси 4 миллион 700 минг АҚШ долларидан кўпроқ.

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан 5 миллион АҚШ доллари миқдорида берилган кредитни беш йил ичида қоплашни режалаштиряпмиз, — дейди қўшма корхона ижрочи директори Ш.Носиров. — У йилига 4800 тонна калава ишлаб чиқариш қувватига эга. 80 фоиз маҳсулот экспортга чиқарилади.

Корхонага замонавий жиҳозлар Германия ва Чехиядан келтирилди. Ҳозир бу ерда 400 нафар ёш меҳнат қилмоқда.

**Абдуғани СОДИҚОВ**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI
QUVAMEBEL

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### МЕҲР ВА МУРУВВАТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ўзида меҳр ва мурувват, саховат, тинчлик ҳамда қутбаракани мужассамлаштирган қутлуғ айём — Наврўз тантаналари юртимиз бўйлаб давом этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкилотлари ҳам бу йўналишдаги кўплаб тадбирларнинг ташкил қилинишида ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.**

Партиянинг **Фарғона вилоятидаги ташкилотлари** байрам тантаналарини сермазмун ўтказиш, турли хилдаги миллий спорт ўйинлари уюштириш, «Меҳр ва муруват йили» дастури доирасида муҳтож кишиларга меҳрибонлик ёрдамларини кўрсатиш каби эзгу ишларда бош-қош бўлдилар. Масалан, **Фарғона шаҳар кенгаши** «Саховат» қариялар уйида байрам тадбирини ташкил қилди. Унда 100 нафардан ортиқ отахону онахонлар иштирок этиб, улар учун Наврўз дастурхони ёзилди ва совға-саломлар улашилди.

**Ёзёвон туман партия кенгаши** туман халқ таълими бўлими билан биргаликда «Гуллар ва қушлар» мавзуида қизиқарли танлов ташкил қилди. Танловда тумандаги кўплаб мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ўзлари парваришлаган гуллар, сайроқи қушлар билан иштирок этдилар. Ғолиб жамоаларга туман партия кенгашининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Наврўз арафасида «Зуҳро» маҳалла фуқаролар йиғини биноси **ХДП Фарғона шаҳар кенгаши**нинг молиявий кўмаги билан таъмирланиб, маҳалла аҳлига тақдим этилди.

**Мазкур шаҳар партия кенгаши**, «Камолот» ЁИҲ ва ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари ҳамкорлигида ўсмирлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилди. Унда кам таъминланган оилалар фарзандлари, ИИБ қошидаги вояга етмаганлар комиссияси ҳисобидаги болалар қатнашиб, ғолиблар ҳомийларнинг совғаларига сазовор бўлдилар.

**ХДП Самарқанд вилоят ташкилотлари** томонидан ҳам байрам шодиёналари ўзига хос шукуҳли ва файзли тарзда ўтказилди. Жумладан, Пайариқ туманидаги 17-мактабда бўлиб ўтган байрам тадбирида ўқувчилар учун муносиб совға ташкил қилинди. Аъло баҳоларга ўқиган, Юртбошимиз асарларини пухта ўрганган мактаб ўқувчилари учун партия кенгаши томонидан стипендия жорий қилинди.

**Самарқанд шаҳар партия ташкилоти** қошидаги оқсоқоллар кенгаши аъзолари байрам муносабати билан шаҳардаги қатор ўқув юртларига ташриф буюриб, ёшлар билан мулоқотлар ўтказдилар. Миллий қадриятларимиз, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самараси ҳақида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Шу партия ташкилоти ҳузуридаги **«Бибихоним» аёллар клуби** томонидан ҳам кўпгина корхона, ташкилот, ўқув юртлари ва маҳаллаларда байрам тантаналари уюштирилди. Ночор оилаларга дори-дармонлар ва байрам совғалари улашилди.

**Ўзбекистон ХДП Қамаши, Ғузор, Чироқчи туман кенгашлари** ташаббуси билан қатор меҳр ва мурувват тадбирлари ўтказилди. Тадбирларга кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳнат фахрийлари ва ХДП фаоллари таклиф этилиб, «бир пиёла чой устида» самимий суҳбат ташкил этилди. Қизиқарли концерт дастури намойиш этилиб, қатнашчиларга байрам совғалари тақдим этилди.

**ХДПдан сайланган Олий Мажлис депутати**, «Шўртаннефтгаз» унитар шўба корхонаси раҳбари О.Муродов «Меҳр ва мурувват йили»га муносиб байрам совғасини ҳозирлади. Корхонада меҳнат қилаётган икки нафар йигит-қизнинг никоҳ тўйлари, 41 нафар боланинг суннат тўйлари корхонанинг бевосита ҳомийлигида ўтказилди ва уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Асака туман партия кенгаши** томонидан 12-мактабда байрам тадбири ўтказилди. Партия ташкилоти биринчи котиби Ф.Холиқов мактаб жамоасини Наврўз билан табриклаб, аълочи ўқувчиларга ўқув қуролларидан иборат совғалар топширди.

**Урганч шаҳри**даги Ал-Беруний номли 17-сон мактабда қозоқ синфлари иштирокида Наврўзга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Мактаб директори, ХДП аъзоси Ҳ.Қурбонова юртимизда турли миллат вакиллари ўртасида ҳукм сураётган дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳақида гапириб, барчани байрам билан табриклади. Тадбирда вилоят қозоқ маданият маркази раҳбари М.Баймбетов ва бошқалар иштирок этдилар. Кечада қозоқ халқининг миллий қўшиқларидан намуналар ижро этилди.

**Урганч туман** Қоровул қишлоғи «Олтин кўл» маҳалласида қишлоқ ҳудудий бошланғич партия ташкилоти, маҳалла қўмитаси ҳамкорлигида Меҳр ва мурувват йили доирасида катта байрам тадбири ташкил қилинди. Байрамга ташриф буюрган ҳожи отахону онахонлар, мактаб ўқувчилари ҳамда партия фаоллари тадбирга янада файз киритдилар. Унда иштирок этган туман ҳокими ўринбосарлари З.Аллаберганов, Р.Қодирова, партия туман кенгаши биринчи котиби Х.Ваисчанов, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Наврўз» жамғармасининг шу ердаги бўлимлари раҳбарлари К.Матчанов, З.Исаевалар йиғилганларни байрам билан қизғин табрикладилар. Тумандаги Р.Отабоев номли мактабнинг иқтидорли ўқувчиси, кураш бўйича республика босқичида 3-ўрин соҳиби Ш. Саъдуллаевага пул мукофоти, касалманд кишилар, уруш ва меҳнат фахрийларига совғалар топширилди.

**Партия Хонқа туман ташкилоти** ўтказган байрам тадбирига 100 ёшдан ошган отахон ва онахонларни таклиф этилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

**ЎзХДП Наманган вилоят ташкилотлари** байрам арафасида муҳтожларни йўқлаш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш ишларига алоҳида эътибор қаратдилар. Жумладан, **Уйчи туман** ҳокимлиги, партия ташкилоти ва ногиронлар жамияти ҳамкорлигида ногиронлар учун Наврўз дастурхони ёзилиб, уларга байрам совғалари улашилди.

**Партия Наманган туман кенгаши** маҳаллаларда яшаётган ёлғиз кексалар, камхарж оилалар, етим-есирлар ҳолидан хабар олишни уюштирди. Уларнинг кўнглини кўтариб, байрам совғаларини тарқатдилар.

**Сергели туман партия кенгаши** шу ердаги «Аэропорт» БПТ билан биргаликда мазкур ташкилот ходимлари ва партия фаоллари иштирокидаги байрам дастурини ташкил қилди. Тадбирда туман партия ташкилоти биринчи котиби Л.Исматова, авиатехника базаси директори муовини В.Спутников, «Учувчилар» маҳалласи раиси О.Содиқова ва бошқалар йиғилганларни Наврўзи олам билан қутладилар. 318-ўрта мактаб ўқувчилари томонидан концерт дастурини намойиш этилди.

**ХДП Акмал Икромов туман кенгаши** ҳам «Тинчлик» маҳалласи ҳудудий БПТ ҳамкорлигида катта байрам тадбирини ташкил қилди. Унда маҳалла фаолларига эсдалик совғалари топширилди.

# «УНИВЕРСИАДА

## САМАРҚАНДДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАЛАБА ЁШЛАРИНИНГ

### БУНЁДКОРЛИК МАЙДОНИ

Бугунги Самарқанд «Универсиада — 2004»ни қаршилаш масъулияти ила бонг ураётган бунёдкорлар майдонига ўхшаб кетади. Бутун вилоят универсиада иштирокчиларини кутиб олишга ҳозирланмоқда.

Боғишамол ҳудудида қурилаётган ёпиқ спорт комплексидаги сўнгги ишлар апрель ойида тугалланади. Манежда спортнинг оммавий турлари: енгил атлетика, кураш, самбо, бокс, теннис, волейбол, баскетбол, қўл тўпи билан йилнинг турли фаслларида шуғулланиш имконияти мавжуд.

Қурилишнинг умумий қиймати 3 миллиард 440 миллион сўмни ташкил этади. Ушбу даргоҳ 1000 ўринга яқин томошабинга мўлжалланган. Бу масканда бир вақтнинг ўзида 400 спортчи шуғулланиши мумкин. Бундан ташқари комплексда спортчилар, тренерлар ва меҳмонлар учун барча қулайликлар яратилади. Дам олиш, ечиниш, кийиниш, ювиниш, овқатланиш хоналари мавжуд. Бугунги кунда спорт комплексида қурилишни муддатида топшириш учун 250 қурувчи 2 сменада меҳнат қилмоқда. Мақсад барча ишларни ўз вақтида бажариб, асосий эътибор сифатга қаратилмоқда. Спорт саройининг биринчи меҳмонлари «Универсиада — 2004» қатнашчилари бўлади.



### «ДЕЛЬФИН» ДУНЁ ТОМОН СУЗАДИ

Самарқанддаги универсиада иншоотларининг яна бири «Дельфин» ёпиқ сузиш ҳавзасидир. Ушбу мажмуа вилоят капитал қурилиш бошқармаси ва республика Касаба уюшмалари Марказий Кенгаши маблағи ҳисобига бунёд этилмоқда. Бош пудратчи — «Сўғдиёнақурилиш» масъулияти чекланган жамияти жамоасидир.

«Дельфин»да шу кунгача асосий қурилиш ишлари якунланди. Сузиш ҳавзасининг маъмурий биноси тўлиқ тикланди. Бугун бу ерда 1 миллиард 500 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Асосий ишлар «Самарқандирригацияқурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан уддаланди. Шунингдек, вилоятдаги бошқа қурилишга алоқадор ташкилотлар ҳам кўмакка келдилар. Бугунги кунга келиб Туркиянинг «Гумушкент» фирмаси бунёдкорлари Германия ва Италияда ишлаб чиқарилган сувни тозалаш ускуналарини ўрнатишни якунлаш арафасида. Томошабинлар учун эса 900 ўринга мўлжалланган ўриндиқлар ўрнатилди. Мураббий, ҳакам ва спортчилар учун алоҳида хоналар ҳозирланди. Атроф тўлиқ ободонлаштирилди. Ёпиқ сузиш ҳавзасининг яна бир қулайлиги шундаки, тўлдирилган сувни икки йилгача алмаштирмасдан ишлатиш мумкин. Хориждан келтирилган сув тозалаш ускуналари ҳавзага солинган сувни доимо бир меъёрда сақлаш имконини беради. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу масканда бемалол халқаро мусобақалар ўтказиш мумкин. Ўз навбатида дунё «Дельфин»га, «Дельфин» эса дунёга йўл топади.

### АСОСИЙ МУСОБАҚАЛАР МАСКАНИ

Самарқанд давлат университетининг 1050 ўринга мўлжалланган иккинчи академик лицейи мана шу мақсадда жадаллик билан тикланмоқда. Лойиҳа қиймати жиҳатидан шаҳардаги энг йирик спорт мажмуани «Франс-Азия» қўшма корхонаси бунёд этмоқда.

Бу масканда ёпиқ стадион, мини футбол ва гандбол, кураш, дзюдо, самбо, бокс ва бадиий гимнастика спорти билан шуғулланадиган заллар мавжуд. Шунингдек, 300 ўринли ётоқхона қурилишидаги сўнгги ишлар бажарилмоқда. Ярим ёпиқ ҳолатдаги стадионда чим ётқизиш якунланган. Ушбу иншоот учун 7 миллиард 597 миллион сўм маблағ ажратилган. «Универсиада — 2004» дастуридаги спорт мусобақаларининг асосий ўйинлари мазкур мажмуада ўтказилиши режалаштирилган.

Шунингдек, академик лицейга қўшни бўлган 2-сон педагогика коллежининг очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, енгил атлетика, гимнастика, кураш, волейбол ва баскетбол заллари барпо этилмоқда. Қурилиш бош пудратчиси «Самаракс» корхонаси ҳозиргача 800 миллион сўмлик иш бажарди. Тез кунлар ичида қурилиш тугалланиш арафасида.

Янги бунёд этилаётган мазкур иншоотларда бир вақтнинг ўзида спортнинг 20 га яқин тури билан шуғулланиш имконияти яратилади. Бу эса самарқандлик спортсевар ёшлар учун катта имконият.

### МАҚСАДИМИЗ БИРИНЧИ БЎЛИШ

— «Универсиада — 2004»нинг Самарқандда ўтказилиши бизга катта масъулият юклайди. Чунки мусобақалар дастуридаги 7 та спорт тури волейбол (эркаклар), баскетбол (қизлар), шоҳмот, енгил атлетика, кураш, стол тенниси ва дзюдо бўйича Самарқанд давлат университети талабалари вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишади. Бу бежиз эмас. Университетимизда олти минг нафарга яқин талаба таҳсил олади. Катта базага эга бўлган жисмоний маданият факультети бор. Тайёргарлик ишларини аллақачон бошлаб юборганмиз, — дейди СамДУ жисмоний маданият факультети декани Жўрақул Эшназаров.

## ХУШХАБАРНИНГ ҚАНОТИ БОР

Наврўз байрами кунлари Жиззах вилоят электр тармоқлари корхонасининг Ғаллаорол туман бўлимига хушхабар келди. Ғаллаороллик нурчиларнинг 2003 йил якунлари бўйича «Энг яхши туман электр тармоғи» республика кўрик-танловида ғолиб бўлганлиги ҳақидаги бу хабар жамоа аъзоларининг байрам қувончларига қувонч қўшди.

— Ишчи-хизматчиларнинг аҳил ва иноқ бўлиб, зиммаларидаги вазифаларини сидқидилдан бажаришга одатланганликлари эвазига муваффақиятга эришдик, — дейди туман электр тармоқлари идораси раҳбари Абдумалик Раббимов.

«Тико» автомобили ҳамда 960 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланган совриндор жамоа янги йилда ютуқларни янада мустаҳкамлашга астойдил бел боғлаган.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

*Экспорт — мамлакат таянчи*

# ХАЗИНА ҒОЙИБДАН ЭМАС, МЕҲНАТДАН КЕЛАДИ

## — ДЕЙДИ «ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ БИРЛАШМАСИ РАИСИ ФАРҲОДЖОН ОМОНОВ

— Ўзбекистон тамғаси туширилган пахта толаси дунёда етакчи бўлган Ливерпул, Нью-Йорк, Бремен, Гданск биржаларида муносиб ўрин эгаллади, — дейди бирлашма раҳбари. — Жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германия, Япония, Голландия, Жанубий Корея, Россия, Украина ва шунга ўхшаш кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Бурноғи (2002) йилда вилоятимиз хўжаликларида етиштирилган 221 минг тонна пахта хомашёси бирлашмамиз тизимидаги 12 та пахта тозалаш корхоналарида қайта ишланиб, ундан 68 минг 600 тонна миқдорида сифатли тола олинди ва хорижга экспорт қилинди. Шунингдек, 2003 йилда етиштирилган ҳосил ҳам тизимимиз корхоналарида толага айлантирилиб, тайёр маҳсулот хорижий шерикларга жўнатилмоқда.

Дарҳақиқат, жамоа ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Чунончи, тайёр маҳсулотларни шартномалар асосида истеъмолчиларга етказиб бериш ва сифатли тола ишлаб чиқариш суръати бирмунча ошди. Бирлашмага қарашли, Бектемир экспрементал-тажриба пахта тозалаш корхонасида бу борада эришилаётган ютуқлар қамрови, айниқса салмоқли. Корхонада асосан, «Наманган-77» ҳамда «С-65-24» навли пахта хомашёси қайта ишланади.

Қўлимизда корхонанинг йиллик ҳисоботи: жамоа 2002 йилда пойтахт вилоятининг Ўртачирчиқ туманидаги 7 та ширкат ҳамда 50 дан ортиқ фермер хўжаликларидан 11 минг 120 тоннадан зиёд пахта хомашёси қабул қилиб, ундан 3170 тонна миқдорида сифатли тола олди. Маҳсулот АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия, Швейцария, Россия сингари хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

Агар, корхонада ўтган 2003 йилда 7 та ширкат ҳамда 52 та фермер хўжаликлари билан пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича шартномалар тузилган бўлса, жорий йилда бу рақам 9 та ширкат ҳамда 65 дан зиёд фермер хўжаликларини ташкил этди. Тумандаги мавжуд хўжаликларга 2004 йилда етиштириладиган пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича 537 миллион сўмдан зиёд бўнак маблағлари ҳам ажратилган.

— Ўтган 2003 йил ҳосилидан жорий йилнинг шу давригача 9 минг 350 тонна пахта хомашёси қайта ишланди, — дейди корхона раҳбари Чори Ҳасанов. — Айни дамларда корхонамизда жаҳон бозорида харидоргир бўлган IV типга мансуб тола олинмоқда. Олинаётган бу тола чиқими эса 33-34 фоизни ташкил қилаётир. Жорий йилнинг шу даврида ички истеъмолчиларга 161 тонна сифатли тола етказиб берилган бўлса, хорижий давлатларга 2980 тонна миқдорида ана шундай тайёр маҳсулот экспорт қилинди.

«Ҳаракат бор жойда — баракат бор» деганларидек, Пискент туманидаги пахтани қайта ишлаш корхонасида ўтган 2003 йилда 17 минг 157 тонна пахта хомашёси қабул қилиниб, ҳосилнинг 12 минг 950 тоннаси қайта ишланди ва ундан 4 минг 160 тонна сифатли тола олинди. Хўш, рақамларга нима ҳисобидан эришилаяпти?

— Ташаббускорлик, қолаверса меҳнат туфайли жавоб берди корхона раҳбари Ўктам Ҳайдаров.

**— Ўтган йили қанча тола экспорт қилинган?**

— Туманимиз хўжаликларида етиштирилган пахта хомашёсини қайта ишлашдан ўтган 2002 йилда 4917 тонна миқдорида сифатли тола Буюк Британия, Франция, Швейцария, Сингапур, Ҳиндистон, Саудия Арабистони сингари давлатларга экспорт қилинди. 2003 йилда бу рақам 3 минг 903 тоннани ташкил этди...



«Тошкентпахтасаноат» ҳудудий бирлашмасига қарашли, Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» пахтани қайта ишлаш корхонаси фаолиятида бу рақамлар айниқса, кўзга яққол ташланади. Корхона тумандаги 12 та ширкат ҳамда 139 дан зиёд фермер хўжаликларидан ўтган 2003 йилда 18 минг 988 тонна пахта хомашёсини қабул қилиб, шундан 14 минг 850 тоннасини қайта ишлади, жорий йилнинг шу давригача эса 4900 тонна миқдорида сифатли тола олиниб, маҳсулот 100 фоиз хорижга экспорт қилинди.

Корхона ўзининг бош биноси ва пахта тозалаш цехларини бутунлай реконструкция қилди. Бунинг самараси ўлароқ, пахта хомашёсини толага айлантириш жараёнлари соддалашди. Электр-энергия сарф-харажатлари икки-уч бараварга камайди.

— Бундай янгиликлар эвазига пахта толаси олиш ўртача 0,4 фоизга ошди, — дейди корхона раҳбарининг муовини Бахтиёр Розиқулов. — Бу бир неча тонна юқори сифатли тола, 63,2 миллион сўмлик қўшимча даромад дегани. Қайта таъмирлаш ишларига 370 миллион сўм маблағ сарфланганини назарда тутилса, кутилаётган иқтисодий самарадорлик ҳам янада ортиб бориши муқаррар. Хусусан, тола сифати яхшиланишидан йилига 120 миллион сўмлик қўшимча даромад олиниши кутилмоқда. Технологик жараёнларда олинадиган чигит сарфида (электрон тарозида тортилиши ҳисобига) исрофгарчилик 2 фоизга камайиб, 11,7 миллион сўм фойда кўрилади.

Яна бир янгилик: бу ерда айни дамларда Швейцариянинг «TSI АССОШЕЙТЕД» компанияси билан ҳамкорликда «TSI-Қорасув» қўшма корхонасини барпо қилиш бўйича ҳам лойиҳалар поёнига етказилмоқда.

— Биласизми, экспортга чиқариш учун ўлчами, сифати, нави, ранги бир хил бўлган муайян миқдордаги тола талаб қилинади, — тушунтиради бирлашма раиси Фарҳоджон Омонов. — Биз ана шу мақсадда замон талабларидан келиб чиқиб, тизимимиздаги барча корхоналар ишини тобора такомиллаштиришни мақсад қилдик ва бу йўлда изланишлар олиб бораяпмиз. Самара ҳам шунга яраша: айтишади-ку, «хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан келади» деб.

...Толамизнинг жаҳон бозорида юқори баҳоларда сотилишини таъминлаш учун маҳсулот сифатини кафолатловчи сертификат доимий эътиборимизда.

... Бир сўз билан айтганда, бирлашма тасарруфидаги пахтани қайта ишлаш корхоналарида бошланган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

*«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

# «ЭЛГА БОШЛИҚ БЎЛИШ ОСОН, БОШ БЎЛМОҚ ҚИЙИН»

## САРЛАВҲАЛИ (2004 ЙИЛ 5 ФЕВРАЛЬ) ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАДА БАҒДОД ТУМАНИДА ЮЗ БЕРГАН КЎЗБЎЯМАЧИЛИК, ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК ВА БОШҚА БЕДОДЛИКЛАР ҲАҚИДА АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР БАЁН ҚИЛИНГАНДИ

Мақола юзасидан **Фарғона вилоят прокурори ўринбосари А.ҲАКИМОВ** имзоси билан олинган жавоб хатида, жумладан шундай дейилади:

«...Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида, Бағдод тумани «Ҳамзаобод» давлат наслчилик заводи директори Й.Тиллаев ва бош ҳисобчиси С.Раззоқовлар шу туманнинг «Чўличапдор» фермер хўжалиги раҳбари М.Қодиров билан ўзаро жиноий тил бириктириб, туман МТП омборхонасида сақланиб келинган, туман ҳокимининг укаси Б.Маҳкамовга тегишли, ишга яроқсиз бўлган дизел станциясини қиммат нархда 4 миллион 384 минг сўмга баҳолаб, «Чўли-чапдор» фермер хўжалигидан сотиб олинганлиги ҳақида сохта ҳужжатларини расмийлаштириб, эвазига наслчилик заводидан баҳоси 4 миллион 384 минг сўмлик 8 бош қорамолни ҳисобдан чиқариб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликлари аниқланган.

Шунингдек, Й.Тиллаев бош ҳисобчи С.Раззоқов билан жиноий тил бириктириб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, 2003 йил учун давлатга дон топшириш буюртмасини сохта равишда бажарилди деб кўрсатиш мақсадида 2003 йил июнь ойида тумандаги бўрдоқичилик корхонасидан 66 тонна 410 кг. буғдойни ҳар бир килосини қиммат нархда — 100 сўмдан 6 миллион 641 минг сўмга сотиб олиб, туман дон маҳсулотлари корхонасига ҳар бир килосини 65 сўм 51 тийиндан арзон нархга сотиб, заводга 2 миллион 304 минг сўм моддий зарар етказишган.

Бундан ташқари, 2002 йилнинг июль ойида Бағдод тумани ҳокимининг 1-ўринбосари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А.Сиддиқов ва бош ҳисобчиси С.Шерқуловлар бошқарма қошида бюджетдан ташқари ширкат хўжаликлари маблағлари ҳисобига «Марказлаштирилган моддий рағбатлантириш ва кенгайтириш жамғарма» фондини вилоят Адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтказмасдан, ноқонуний ташкил этиб, 2002 йил буғдой ҳосилини етиштириш ва йиғиб олишда иштирок этмаган 137 нафар шахсларга қимматбаҳо рангли телевизор, гилам ва шу каби моддий қимматликларни мукофот тариқасида ноқонуний тарқатиб, ширкат хўжаликларига 9 миллион 602 минг 965 сўм зарар етказганлар.

Й.Тиллаев, С.Раззоқов, М.Қодиров, А.Сиддиқов ҳамда Ш.Шерқуловлар мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, хизмат сохтакорлиги йўли билан ўзлари раҳбарлик қилаётган хўжалик мулкини талон-торож қилганликлари учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «а,в» бандлари, 209-моддаси 1-қисми ва 167-моддасини 3-қисми «а» банди билан жиноий жавобгарликка тортилиб, жиноят иши судга юборилган. Ҳозирда мазкур жиноят иши Сўх туман суди раиси Б.Мўминов томонидан суд муҳокамасида кўрилмоқда.

Ушбу жиноят ишини суд томонидан кўрилишида тўлиқ ва холисона бўлишига таъсир этмаслигини инобатга олиб, қуйидаги эпизодлар жиноят иши тариқасида алоҳида иш юритувига ажратилган.

Хусусан, туман ҳокими Ш.Солижонов 2002 йил 6 ноябрдаги қарори билан ўзининг жияни М.Маҳкамов номига бўрдоқичилик корхонаси ҳудудидаги 112 гектар ер майдонига «Нодир-хазина» фермер хўжалиги ташкил этиб, пахта, буғдой етиштириш учун бўрдоқичилик корхонаси ҳисобидан 27 миллион 385 минг 402 сўм ноқонуний сарфлаб, корхонага жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Шунингдек, туман ҳокими Ш.Солижонов мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, 2002 йил 2 августда «Охунбобоев» ширкат хўжалиги ҳисобидан нархи 8 миллион сўмлик «ГАЗ-3102» русумли автомашинани қиммат нархда 15 миллион сўмга сотиб олдириб, хизмат автомашинаси сифатида фойдаланиб келган.

Туман ҳокими Ш.Солижонов топшириғига асосан «Бағдод» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Н.Эргашев 2002 йил июнь ойида фермер хўжалиги ташкил этиш учун ариза билан мурожаат қилган М.Исмоилов. Б.Маматов, Х.Хўжакелдиев, А.Эргашев, Н.Хошимов, Э.Умирзоқов ҳамда Х.Миролимовлардан жами 3 миллион 30 минг сўм пулларни ноқонуний равишда йиғиб олиб, бу пулларни 2002 йил июнь ойида ширкат хўжалигида буғдой ўримида қатнашган Қирғизистон Республикасидан келган комбайнчиларга иш ҳақи сифатида бериб юборган.

Шу билан бирга, 2002 йилда Қирғизистон Республикасидан буғдой ўримига жалб қилинган комбайнчилар иш ҳақи учун «Ҳамзаобод» давлат наслчилик заводининг 30 бош зотдор қорамолини ноқонуний равишда бериб юборган.

«Охунбобоев» ширкат хўжалиги балансидаги сут-товар фермасини туман ҳокими Ш.Солижоновнинг укаси Х.Маҳкамов 51 миллион сўмга сотиб олиш тўғрисида шартнома тузиб, пулини тўламаган ҳолда фермани ўз тасарруфига ўтказиб, фермани 5 миллион 246 минг сўмлик мол-мулкини талон-торож қилиб, фермани ширкат хўжалигига қайтариб берган.

Бундан ташқари, Ш.Солижонов туманда 335,7 гектар ер майдонини аҳолига томорқа сифатида ажратиш учун қарор чиқарилган бўлса-да, 167,5 гектарини аҳолига бермасдан пахта ва бошоқли дон экиб, ҳисоботларда кўрсатмаган.

Шунингдек, 2002 йилнинг пахта йиғим терими давридаги кунлик штаб йиғилишида Ш.Солижоновнинг топшириғига асосан, туман ИИБ ходимлари пахта сотиш режасини бажармаган «Маҳмуджон» фермер хўжалиги бошлиғи Г.Маматқулов, аъзоси Р.Маматқулов ва Э.Юнусовларни туман ИИБда ноқонуний равишда ушлаб туришган.

«Бағдодпарранда» корхонасининг собиқ раҳбари туман ҳокимнинг укаси Х.Маҳкамов томонидан «КамАЗ» автомашинасини ижарага беришдан тушган пул маблағларини, бино ва иншоотларини бузиб талон-торож қилганлиги, корхона паррандаларини нобуд бўлганлиги, туман ҳокимининг қариндоши М.Турғунбоев номига туман «Матлуботсавдо» акциядорлик бирлашмасига қарашли савдо дўконини 17 миллион сўмга сотиб олганлик ҳолатлари юзасидан тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, 2003 йил 1 ноябрь ҳолатига «Бағдод» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текширишда, туманда пахта режасини бажариш мақсадида 838 тонна пахта хомашёсини қўшиб ёзиб, камомад келтирилганлиги ҳолати юзасидан 2004 йилнинг 5 февраль куни Бағдод тумани прокуратураси томонидан ҳиссадорлик жамияти мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва 205-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вилоят прокуратураси томонидан Ш.Солижоновни туман ҳокими вазифасидан озод қилиш юзасидан 06.02.2004 йилда вилоят ҳокимига тақдимнома киритилиб, 28.02.2004 йилда кўриб чиқилиб, Ш.Солижонов Бағдод тумани ҳокими лавозимидан озод қилинган ҳамда унга нисбатан 06.03.2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 205-моддаси 2-қисми «а,в» бандлари билан айб эълон қилиниб, эҳтиёт чораси сифатида қамоқ қўлланилган.

Ҳозирда тергов ҳаракатлари давом эттирилиб, юқоридаги ҳолатлар бўйича «Бағдод» ширкат хўжалиги бошқарув раиси Н.Эргашев, «Охунбобоев» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси М.Ҳамдамов, «Нодир-хазина» фермер хўжалиги раҳбари М.Маҳкамов ва бошқа мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилмоқда».

# — 2004»



## СПОРТ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

— Дастлаб «Баркамол авлод» мусобақалари ғолиблари, республика миқёсидаги беллашувлар совриндорлари имтиҳонсиз, давлат сертификатлари асосида факультетимизга қабул қилинди. Мураббийлар танлов асосида саралаб олинди.

Иброҳим Каримов, Антон Ким, А.Шаган, Валера Кигай, Ким Дмитрий сингари тажрибали мураббийлар машғулотларни мунтазам олиб бораяптилар.

Иброҳим Ҳамроқулов, Акмал Усанов, Икром Нуриллаев, Рустам Атоев, Александр Гаспарян, Елена Пискунова, Ирина Пак, Вера Медникова сингари республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашаётган талаба-спортчиларимиздан умидимиз катта. Насиб этса, улар «Универсиада — 2004» мусобақаларида ҳам совринли ўринларни эгаллашади.

Мақсадимиз — «Универсиада — 2004» мусобақаларида фақат биринчи ўринни эгаллаш.

### ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ ВА ҚУВОНЧИ

Ўтган давр мобайнида универсиадани юқори талаблар даражасида ўтказиш мақсадида Самарқанд вилоят ҳокимининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларини спорт анжумани мусобақаларини ўтказишга тайёрлаш борасида вазифалар белгилаб олинди. Улардан асосийси сифатида иштирокчилар учун яшаш шароитини яхшилаш, овқатланиш, дам олишларига етарлича эътибор бериш кўзда тутилган.



Тикланаётган иншоотлардан ташқари мавжудларини қайтадан таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Жумладан, вилоят олий спорт усталари мактабидаги тўртта спорт комплекси капитал таъмирланган бўлса, бош ўйингоҳ «Динамо» стадионида тўлиқ таъмирлаш, қурилиш ишлари олиб борилди.

Самарқанд давлат университети қошидаги спорт зали, ётоқхоналар универсиада иштирокчилари учун тўлиқ тайёрланди. Ҳозирда спорт залида сўнгги жиҳозлар ўрнатиш тугалланмоқда. Шунингдек, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, чет тиллар, қурилиш ва меъморчилик ҳамда бошқа институтларда асосий тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди.

Бундан ташқари универсиада иштирокчиларини маданий ҳордиқ чиқаришлари учун маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Талабалар кўҳна шаҳар тарихий обидалари, эътиборга сазовор жойларини томоша қиладилар. Турли танловлар, кечалар уюштирилади.

Самарқанд кўплаб мусобақаларга, анжуманларга, учрашувларга гувоҳ бўлган. Лекин бу гал кўҳна шаҳар ўзгача ҳаяжон оғушида. Бунинг боиси битта, шаҳарда ёшлик меҳмон бўлади. Ёшлик ўз истеъдодини, эпчил ва чаққонлигини, куч-қудратини намойиш этади. Қувончлар самога етади. Умидлар гуллайди. Орзулар осмонга тенглашади. Бу галги универсиада бошқаларига ўхшамаган руҳ, ишонч, шодликларга тўла бўлади. Ҳа, яқин ойлар ичида бутун мамлакат нигоҳи Самарқандга қаратилади.

Самарқанд эса «Универсиада — 2004»га муносиб тайёрланмоқда.

**Фаррух ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:** «Универсиада — 2004» иншоотлари қурилишидан лавҳалар.

**Шавкат АКРОМОВ олган суратлар.**

# XORIJDA

## КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

Брюсселда Европа Иттифоқига аъзо ва энди аъзо бўладиган давлатлар (25 та) саммити бўлиб ўтди. Унда Европа хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор келишувларга эришилди. Жумладан, дейилади BBC News ахборотида, Европада антитеррор фаолиятни мувофиқлаштирувчи янги лавозим таъсис этилди. Голландиялик сиёсатчи Жиз де Ври ушбу лавозимга муносиб кўрилди ва у шу ҳафтадан ўз фаолиятини бошлади.

25 давлат вакиллари терроризмга қарши курашда кучларни бирлаштириш масаласида якдиллик кўрсатишди. Эндиликда ягона ордер асосида қамоққа олиш, террор билан боғлиқ жиноятларга бир хил жазо белгилаш, жиноятчи гуруҳларнинг банклардаги ҳисоб рақамларини дарҳол «музлатиш» сингари янги тартиблар белгиланди. Шунингдек, барча турдаги телекоммуникация ахборотларини, жумладан, қўл телефонлардаги сўзлашувларни ҳам узоқ муддат сақлаш борасида қарор қабул қилинди. Бу шунинг учун зарурки, керак бўлган тақдирда разведка хизмати шубҳали қўнғироқларнинг «изи»га тушиш имконини беради.

Шунингдек, саммитда Европа Иттифоқига тааллуқли бошқа муаммолар ҳам муҳокама этилди. Хусусан, ЕИнинг биринчи Конституциясини яратиш борасида музокараларни бошлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Сиёсатчиларнинг гапларига қараганда, шу йил июнда янги Конституция бўйича келишувга эришилади.

## МОЖАРОНИНГ САБАБИ...

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабар қилганларидек, ўтган чоршанбада хитойлик 7 кишининг Сенкаку (хитойлар уни Дяоюйдао, деб атайдилар) архипелагидаги Уоцуридзима оролига бориши халқаро можарога сабаб бўлди. Негаки, Япония хавфсизлик хизмати уларни дарҳол қамоққа олган. Бу эса хитойликлар норозилигини келтириб чиқарди. Яъни, Хитойда бу воқеага қарши норозилик намойишлари ўтказилди ва унда Япония байроқлари ёқиб юборилди.

Kyodo News агентлигининг маълум қилишича, Япония маъмурияти қамоққа олинган 7 нафар хитойни архипелагдан чиқариб юборишга қарор қилди. Чунки, Хитой маъмурияти улар дарҳол озод этилишини талаб қилган.

АҚШ эса бу можароларни тинч йўл билан ҳал этишга, неча йиллардан бери тортишувга сабаб бўлаётган бу орол атрофидаги муаммоларни муросаю-мадора йўли билан ечишга ундади.

Шу ўринда айтиш лозимки, оролни японлар бизга қарашли деб ҳисобласа, хитойлар...

Гап шундаки, 30 йилдан ортиқ вақтдан бери бу оролнинг кимга қарашли эканлиги тортишувга сабаб бўлиб келмоқда. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Сенкаку архипелаги 1895 йили Хитой армияси устидан қозонилган ғалабадан сўнг Япония томонидан ишғол этилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, яъни 1951 йилги Сан-Франциско шартномасига мувофиқ (бу шартнома Тинч океанидаги урушга расмий якун ясаган) Сенкакунинг маъмурий бошқаруви Япониядан АҚШ қўлига ўтган. 1972 йилда эса бошқарувни АҚШ Япония ихтиёрига берган, шу билан бирга Окинава архипелагини ҳам Японияга қайтарган.

Япония ва Хитой ўртасидаги тортишув аслида узоқ йиллардан бери давом этиб келаётганди. Архипелагда катта нефть заҳираси борлиги аниқлангач, тортишув кучайиб кетди.

## ҚУРБОНЛАР КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

Индонезияда тарқалган денге безгаги шу кунгача (эпидемия икки ярим ойдан бери давом этмоқда) 534 кишининг умрига зомин бўлди, дея хабар беради Le Mondo агентлиги. Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги тарқатган маълумотларга қараганда, 44 минг киши ушбу касаллик ташҳиси билан шифохоналарга ётқизилган. Шу кунгача эпидемия Индонезиянинг 32 та музофотидан 30 тасига тарқалиб улгурган. Чивинлар асосий вирус тарқатувчилардир.

## СИБИРГА ҚАРАБ «УЧМОҚДА»

Ушбу баҳорда «парранда гриппи» Сибирга чанг солиши мумкин. Негаки, бу вирус қанотли дўстларимиз «ёрдами»да Сибир ҳудудига етиб келиши ҳақиқатга яқин, дея хабарлайди «Новости» агентлиги Иркутск вилояти ветеринария инспекцияси бошлиғи Борис Балибердин берган манбаларга асосланиб.

Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухториятида «парранда гриппи» тарқалиши Россия, Қозоғистон ва Монголия чегараларига ҳам хавф солмоқда. Орнитологларнинг гапларига қараганда, Хитойда қишлаган қушлар апрелнинг биринчи ўн кунлигидаёқ Байкал бўйига учиб келадилар. Шунинг учун мутахассислар парранда овини тақиқлаш борасида Иркутск вилоят раҳбариятига мурожаат этдилар. Шунингдек, махсус овчилик бригадалари тузилади. Улар қушларда хавфли касалликка қарши анализлар ўтказиш учун ов қиладилар. Бундан ташқари бошқа чоралар ҳам кўрилмоқда. Жумладан, ветеринария текширувидан ўтмаган гўштлар, тухум ва бошқа парранда маҳсулотлари истеъмоли тақиқланди.


# ЭЪЛОН

**2004 йил 30 апрель соат 15.00 да «Қизилқумцемент» ОАЖ мажлислар залида акциядорларнинг 2003 йил натижаларига бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтади. Манзил: Навоий вилояти, Навоий-3, «Қизилқумцемент» ОАЖ**

**КУН ТАРТИБИ:**

1) Кузатув кенгашининг 2003 йил натижалари бўйича ҳисоботи;
2) Бош директорнинг 2003 йил бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
3) Аудитор ва тафтиш комиссияси хулосаларини тасдиқлаш;
4) 2003 йил фойдасини тақсимлаш;
5) Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш;
6) 2004 йилга мўлжалланган Бизнес-режани тасдиқлаш;
7) Бош директорни қайта тасдиқлаш;
8) Аудиторни тасдиқлаш;
9) Маъмурият ва меҳнат жамоаси ўртасида қабул қилинган шартномани тасдиқлаш;
10) Кузатув кенгаши қарорларини тасдиқлаш.

2003 йил балансининг асосий кўрсаткичлари ва молиявий натижалар.

| Актив | минг сўм | Пассив | минг сўм |
|---|---|---|---|
| Асосий фондлар қолдиқ қиймати | 9 023 530 | Устав капитали | 678 505 |
| Капитал қўйилмалар | 1 079 457 | Қўшимча капитал | 2 084 785 |
| Узоқ муддатли инвестициялар | 298 679 | Резерв капитали | 7 318 927 |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари | 6 189 970 | Тақсимланмаган фойда | 4 596 393 |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш | 1 235 656 | Келажак харажатлари заҳираси | 6 224 990 |
| Тайёр маҳсулот | 1 126 140 | Банк кредитлари | 750 326 |
| Пул маблағлари | 11 960 375 | Олинган бўнаклар | 1 284 095 |
| Давр харажатлари | 15 251 | Кредиторлар | 4 698 832 |
| Дебиторлар | 1 471 051 | Келажак давр даромади | 4 763 256 |
| **Баланс** | **32 400 109** | **Баланс** | **32 400 109** |
| Маҳсулот сотишдан соф тушум | | | 41 768 743 |
| Умумхўжалик фаолиятининг молия натижалари | | | 6 423 462 |
| Даромад ва бошқа харажат ва тўловларга солиқ | | | 1 027 000 |
| Ҳисобот даврининг соф фойдаси | | | 4 596 393 |

Баланс кўрсаткичлари 2002 йил 12 августдаги 00466-сонли лицензияси асосида иш юритувчи «Muxosib-Audit» ЁАЖ аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.

Қўшимча маълумотлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 8(436)2239674, 8(436)2298206, 8(436)2298304, 8(371)1526837, факс: 8(436)2230566.

Мазкур умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 30 март ҳолатига тузилади.

**«Қизилқумцемент» ОАЖ Кузатув кенгаши**



# «АВТОКАДР» МЧЖ аъзолари диққатига!

**2004 йил 30 апрель куни соат 11.00 да жамиятнинг навбатдаги умумий мажлиси Тошкент шаҳри, Байналмилал кўчаси, 53-уйда ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Автокадр» масъулияти чекланган жамиятнинг 2003 йил иш якуни бўйича жамият директорининг ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. 2003 йил иш якуни бўйича ҳисоботи ва бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
4. 2004 йил учун масъулияти чекланган жамиятнинг иш фаолияти бўйича тузилган бизнес-режани тасдиқлаш.
5. 2003 йил иш якуни бўйича соф фойдани тасдиқлаш.
6. Бошқа масалалар.

**«АВТОКАДР» МЧЖ НИНГ 2003 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТИ**

| № | Кўрсаткичларнинг номланиши | минг сўм | |
|---|---|---|---|
| | | актив | пассив |
| 1 | Устав капитали | | 7000 |
| 2 | Асосий воситалар, номоддий активлар, ишлаб чиқариш заҳиралари | 20353 | |
| 3 | Узоқ муддатли қўйилмалар | 4881 | |
| 4 | Пул маблағлари | 1024 | |
| 5 | Дебиторлик қарзлар | 4489 | |
| 6 | Заҳирадаги капитал | | 12683 |
| 7 | Кредиторлик қарзлар | | 1388 |
| 8 | Тақсимланмаган фойда | | 8659 |
| 9 | Буюртмачилардан олинган бўнаклар | | 1017 |
| 10 | Баланс | 30747 | 30747 |

Маълумотларнинг ҳақиқийлиги «АММ Avtoaudit» ХФ аудиторлик фирмаси томонидан 2003 йил 4 декабрдаги №102 шартномага асосан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2001 йил 1 октябрда №00230 лицензия ҳамда 2001 йил 20 апрелда №01298 сертификат берилган.

**«АВТОКАДР» МЧЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**



# «ТАХТАПУЛ-НОН»

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***2004 йил 30 апрель куни 15.00 да акциядорларнинг 2003 йил якуни бўйича умумий мажлиси «Тахтапул-нон» АЖ биносида бўлиб ўтади.***

***Умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 24 март ҳолатига кўра тузилиб, акциядорлар қатнашиши сўралади.***

*КУН ТАРТИБИ:*

*1. «Тахтапул-нон» АЖнинг 2003 йил бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик ҳисоботи хулосасини кўриб чиқиш.*

*2. Кузатув кенгашининг 2003 йил якуни бўйича ҳисоботи.*

*3. Аудитор ва Тафтиш комиссияси хулосасини кўриб чиқиш.*

*4. 2004 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.*

*5. «Тахтапул-нон» АЖнинг 2003 йил якуни бўйича тайёрланган балансини, кўрилган молиявий фойда ва зарарини тасдиқлаш.*

*6. Жамият Кузатув кенгашини қайта сайлаш.*

*7. Жамият Тафтиш комиссиясини қайта сайлаш.*

*8. Жамият Бошқарувининг 2004 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.*

*9. Жамият Бошқарув раисини тасдиқлаш.*

*10. Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига бажарган вазифаси учун тўлов миқдорини тасдиқлаш.*

*Кузатув кенгашига ва Тафтиш ҳайъатига ўз номзодларини кўрсатишни хоҳлаган акциядорлар қонунда кўрсатилган тартибда 2004 йил 15 апрелгача Кузатув кенгашига мурожаат этишлари мумкин.*

*Барча қизиқтирган масалалар бўйича «Тахтапул-нон» АЖ Бошқарувига мурожаат этиш мумкин.*

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, С.Қосимов кўчаси, 19-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: 40-53-17, 40-53-18.**

### «Тахтапул-нон» акциядорлик жамиятининг 2003 йил учун бухгалтерлик баланси

| АКТИВ | минг сўм | ПАССИВ | минг сўм |
|---|---|---|---|
| Узоқ муддатли активлар | 40238 | Устав капитали | 49920 |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари | 12029 | Қўшилган капитал | 256 |
| Тайёр маҳсулот | 726 | Резерв капитали | 34842 |
| Олиб сотиладиган товарлар | 13 | Тақсимланмаган фойда | 7701 |
| Келгуси давр сарфлари | 2894 | Келгуси давр даромадлари | 40 |
| Пул маблағлари | 2200 | Узоқ муддатли қарзлар | 14690 |
| Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар | 56587 | Қисқа муддатли қарзлар | 2000 |
| Дебиторлар | 9023 | Кредиторлар | 14261 |
| Жами | 123710 | Жами | 123710 |

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

### «ТАХТАПУЛ-НОН» АЖ жисмоний акциядорлари диққатига!

2003 йил 24 декабрда ўтказилган умумий мажлис қарорига асосан, акцияларнинг номинал нархи 500 сўмдан 2080 сўмга кўтарилган.

Номинал нархи ўзгарган янги сертификатларни олиш учун эски 500 сўмлик акцияларни топширишингизни маъмурият илтимос қилади.

**МАЪМУРИЯТ**



# KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK'BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI»

**масъулияти чекланган жамияти харидорларни танлов савдоларига таклиф қилади**

**2004 ЙИЛ 2,6,9,13,16,20,23,27,30 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚЎЙИЛАДИ:**

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси.

**Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари.**

***Танлов шартлари:***

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдоларига қўйилган объект учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Танлов савдолари соат 12.00 да бошланади.

**Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16-а.**

**Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорида закалат пули тўланади.**

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.***

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

# ТИҒСИЗ ЎТКАЗИЛГАН ЮРАК ОПЕРАЦИЯСИ

## УНИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БИР ГУРУҲ ОЛИМ ВА ШИФОКОРЛАРИ АМАЛГА ОШИРДИЛАР

Юрак хуружи нақадар оғир кечиши ва инсонни не куйларга солишини бу дардни бошдан кечирганларгина тасаввур эта олади. Мен ана шундай дарддан омон қолган одамман, аниқроғи собиқ беморман. Салкам 40 йиллик ҳаётимда икки бора юрак жарроҳлиги столига ётдим. 2001 йили юрагимда содир бўлган дастлабки хуружни бир неча ойлар давомида бошқа хасталикка йўйиб юраверган эканман. Ўзим туғилиб ўсган Питнак қишлоғи ва Ҳазорасп тумани тиббиёт муассасаларида ҳам дастлаб хасталикнинг ўзим айтган нишоналарига қараб ташҳис қўйишган. Аниқ ташҳисни эса Тошкентдаги В.Воҳидов номидаги республика ихтисослашган жарроҳлик маркази мутахассислари белгилашди. Тадқиқот натижалари юракнинг чап томон конорар артерияси деворлари турли қотишмалар таъсирида деярли бекилиб қолганлигини кўрсатди. Дард жиддий эди. Галдаги оддийгина қон босими ҳам ўткир юрак хуружига айланиб, ўлим билан тугаши мумкин.

Шифокорлар ҳаяллашмади. Оилавий шароитим ва «қўли қисқа»лигимга қарамай жарроҳлик столига ётқизишди. Кейин билсам, юрак операцияси 8 соат давом этибди. Оёғимнинг сон қисмидан иккита катта қон томирини кўчириб олиб, унинг бир тарафини юракка, яна бир тарафини тананинг истеъмолчи қон томирларига улашибди. Бу билан конорар артерияси тармоғи вазифасини иккита қон томири зиммасига юклашибди. Шикастланган томирни эса пайти келганда тозалаб, яна ишга солиш мақсадида ўз ўрнида дахлсиз қолдиришибди. Шу аснода инсонийликнинг олийжаноб намуналарини ҳам намойиш этишибди. Юрак операцияси билан боғлиқ йириккина харажатларни қариндош-яқинларим билан биргаликда қоплашибди.

Шундан сўнг тез орада дард кўрмагандай бўлиб кетдим. Орадан бир йил ўтгач эса мамлакатимиздаги энг йирик Туямўйин сув иншоотида қуриш ва бунёд этишга қаратилган кўп йиллик меҳнат фаолиятимни яна давом эттира бошладим. Аммо тошкентлик шифокорлар ўтган уч йил давомида мени бир дақиқа ҳам эътибордан холи қолдиришмади. Ўзимни соппа-соғ ҳис этардим. Шундай бўлса-да, халоскор докторларим дилини аллақандай ташвиш ва хавотир банд этганини барибир илғаб олдим.

2003 йил кузи Тошкентга навбатдаги ташрифим чоғида улар менга дилидагини баён этишди. Яна бир карра жарроҳлик столига ётишим зарурлигини таъкидлашди. Уларнинг айтишича, муолажалар таъсирида юракдаги қон томири деворларига жойлашиб олган қотишмалар бўшаб, жойидан кўча бошлаган. Буни яхшилик аломати дейишди улар. Бироқ, бўшаб кўча бошлаган қотишмалар катта қон босими таъсирида танадаги анчайин нозик томирларгача етиб борса оқибат не кечади? Шифо масканининг ходимлари учун гарчи ҳеч ким бўлмасам-да, сўнгги уч йил мобайнида менга оталик ва акалик меҳрини бағишлаган тиббиёт фанлари докторлари профессор М.Зуфаров, Ф.Баҳриддинов, фан номзоди А.Мақсудов, шифокорлардан Ф.Искандаров, С.Бобожонов, Х.Исломбеков, ҳамшира опа-сингилларим Масъуда, Дурдона ва Жамилахонлар дилини айни ана шу ҳолат безовта қилган экан. Ҳаётимнинг унутилмас саҳифасига айланган сўнгги воқеа Президентимиз Ислом Каримов томонидан эълон қилинган Меҳр ва мурувват йилининг дастлабки кунларида содир бўлди. Ҳозир уни Юртбошимиз даъватига шифокорларнинг энг муносиб амалий жавоби, дея таърифлагим келади.

Шундай қилиб, 2004 йилнинг 7 январида тағин юрак жарроҳлик столига ётдим. Аммо, бу галги тадбирнинг фақат номи «операция» бўлиб чиқди. Докторлар гарчи юракдаги ўша тикишни бартараф этиш ниятини кўзлашган эса-да, унга тиғ нарёқда турсин, ҳатто қўл ҳам теккизишмади. Бироқ, хоҳ ишонинг хоҳ ишонманг, Марказий Осиё юрак жарроҳлиги тарихида энг шов-шувли ва жиддий муолажа амалга оширилибди. Юракка мўлжалланган жарроҳликни оёғимда ўтказишди. Ингичка тиббий ипга уланган махсус тозалаш-эритиш ва суриш мосламасини оёқ-сон томирида шприц нинасича катталикда очилган тешикча орқали юракдаги маъшум «ўлик» артерия томон йўналтиришди.

Оёқдан туриб, юракни операция қилиш чиндан ҳам ақл бовар қилмайдиган ҳодиса. Ақл, билим, маҳорат, ишонч, ихлос, меҳр-мурувват бисёр бўлмаса, бу ишни амалга ошириш амри маҳол. Ишончим комилки, юракни юракдан ҳис этишдек олижаноб, инсоний фазилат яратди бу мўъжизани.

Кейинги «жарроҳлик» амалиётидан бир неча соат ўтмаёқ оёққа туриб кетдим. Бошқаларнинг юрагида битта конорар артерия бўғини ишласа, Яратганнинг мўъжизаси туфайли менинг юрагимда учтаси бенуқсон ишлаяпти. Юракнинг меъёрий фаолиятига бундан ортиқ кафолат бўлмаса керак.

Назаримда, ҳозир мендан кўра тетик ва соғлом одам йўқдай. Мамнунлик, бахтиёрлик ва шукроналигимнинг чеки йўқ. Кекса ота-онам, оилам, фарзандларим, қариндош-яқинларимнинг ҳурсандлигини айтмайсизми? Улар ҳар дуога қўл очишганда шифокорларга узоқ умр, яхшиликлар тилашади. Лекин, билишимча, мазкур тиббиёт маркази шифокорларининг хурсандчилиги бизникидан ҳам зиёда. Негаки, юракни муолажа қилиш амалиётида янги саҳифа очилди. Ўзлаштирилган усул яна қанчадан-қанча инсонларни оғир дарддан халос этиш имконини беради. Ишончим комилки, эндиликда бу усул республикамизда кенг қўлланилади.

Масаланинг бу жиҳатини балки мен — оддий, аммо, собиқ бемор унчалик идрок этолмасман. В.Воҳидов номли республика жарроҳлик марказида содир бўлган бу тарихий, илмий-амалий ғаройиботни балким фанимиз намояндалари, қилни қирққа айиргучи шифокор-олимлар, тадқиқотчилар талқин этишар, изоҳлаб беришар. Менинг қўлимдан келадигани мазкур шифо масканининг кўп сонли жамоасига бир умр таъзим бажо келтириб яшаш бахтига муяссар этишни Яратгандан тилаб қоламан.

**Мадраҳим ЎРАЗБОЕВ**
Хоразм вилояти,
Питнак шаҳри.

Спорт

# ЯНА УЧ ЙЎЛЛАНМА

Айни кунларда мамлакатимиз спортчилари шу йил августда Афина (Греция)да ўтадиган XXVIII ёзги олимпиадага кўпроқ йўлланмани қўлга киритиш учун қатор халқаро мусобақаларда иштирок этишмоқда. Хабарингиз бор, январь ойида бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Филиппинда бўлган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, олимпия ўйинларига дастлабки беш йўлланмани қўлга киритганди.

«Чарм қўлқоп» усталаримиз куни кеча Гуанчжоуда якунланган Хитой очиқ турнирида ҳам мухлисларни хурсанд қилишди. Ер куррасининг нуфузли мусобақасига йўлланма берувчи мазкур баҳсларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган олти боксчидан уч нафари кучлилар қаторидан жой олди. Ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратган Тўлашбой Дониёров (51 кг.), Игор Альборов (91 кг.)лар олтин ҳамда Шерзод Абдураҳмонов (75 кг.) кумуш медаллар билан тақдирландилар. Ушбу муваффақият уларга Афина олимпиадасига йўлланмани туҳфа қилди. Шундай қилиб, боксчиларимиз ҳисобидаги олимпиада йўланмалари сони саккизтага етди.

— Йигитларимиздан хурсандман, — дейди Ўзбекистон бокс терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев. — Уларнинг барчаси бор маҳоратларини ишга солишди. Фақат сўнгги паллада вакилларимиз Отабек Мамажонов (48 кг.), Жаҳонгир Сувонқулов (60 кг.) ҳамда Нодир Ғуломов (81 кг.)лардан омад юз ўгирди. Аммо бу улар учун олимпиада эшиклари ёпилди, дегани эмас. Олдинда олимпия ўйинларига йўлланма берувчи яна бир йирик мусобақа турибди. Ишонаманки, апрелда Покистонда ўтадиган халқаро турнирда қолган боксчиларимиз ҳам ишончни оқлашади.



**Суратда:** Тўлашбой Дониёров ота-онаси билан.
**Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат**

# ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ТУРМАДИ

Хўжайлидаги республика болалар меҳрибонлик уйида шодиёна бўлиб ўтди. Бу ерда тарбияланаётган болалардан 3 нафарининг суннат ҳамда 17 боланинг мучал тўйлари ўтказилди.

Болаларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан ўтказилган мақсадли омонат дафтарчалари топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳам четда туришмади. Улар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун кийим-кечак, спорт анжомлари олиб келишди. Бир сўз билан айтганда болалар қувончига қувонч улашилди.

**Реимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Ҳурматли юртдошлар!

**РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ**

# «ПАХТА БАНК»



**Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Сизларга**

**«САХОВАТ»**

**муддатли омонат турини таклиф этади. Мазкур омонатга бўш пул маблағингизни «Пахта банк»нинг истаган филиалида қўйишингиз ва ҳар ойда йиллик 38 фоиз миқдорида даромад олишингиз мумкин!**

**«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**





Ҳикматли сўзлар маъноси

### НОУМИД — ШАЙТОН

Тўлиқ варианти: «Умидли — дунё, ноумид — шайтон». Эътиқодий тушунчага кўра, шайтон Худога осий бўлиб (исён кўтарган), «барибир энди Худо ярлақамайди, дўзахга солиб азоблайди, энди мен тамомий ёмонликни қилавераман», деб ноумид бўлиб, ёмон йўлга кириб кетган экан. Мазкур мақол, гарчи эътиқодий тушунча асосида юзага келган бўлса-да, мажозан: «Ҳар бир нарсадан умидингни узма, ҳаракат қил, етишмаган ишингга етишасан», деган маънода қўлланилади. Бу фикрни қувватловчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Юрак умид билан яшайди», «Умиди йўқнинг имони йўқ, «Умидингни узма, кўнглингни бузма», «Умид қилган етар муродга, ҳасад қилган қолар уятга».

### НОННИ КАТТА ТИШЛАСАНГ ҲАМ, ГАПНИ КАТТА ГАПИРМА

«Улуғ сўзлама, улуғ парча нон ерсан». Бу мақоллар билан: «Ундоқ қиламан-бундоқ қиламан, деб мақтаниб, катта гапирма. Борди-ю, ўшандай қилишга қурбинг етмаса, чоғинг келмаса, имкониятинг бўлмай қолса, одамлар ўртасида қизариб, хижолат тортиб, шарманда бўласан. Аксинча, катта гапирмай, мақтанмай ўзингни қанча камтар тутсанг, шунча обрў-эътиборга сазовор бўласан», деган маънода насиҳат қиладилар.

«ЎЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ» ОАЖДАГИ МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

**МАЪЛУМОТ ТАРТИБ РАҚАМИ — 09.**

**Номи:** «Ўзкоммунмаштаъминот» очиқ акциядорлик жамияти.

**Манзили:** 700035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.

**Қимматли қоғоз тури:** оддий номи ёзилган акция.

**Умумий йиғилиш тури:** навбатдан ташқари.

**Умумий йиғилишни ўтказиш шакли:** бевосита.

**Умумий йиғилиш ўтказилган вақт:** 2004 йил, 19 март, соат 17-00.

**Умумий йиғилишни ўтказиш манзили:** 700035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй, 7-қават.

**Умумий йиғилиш кворуми:** йиғилишда жами бўлиб 81200 та овозга эга бўлган акциядорлар қатнашди. (Умумий овоз берувчи акцияларнинг 64,8 фоизи.)

**Кун тартибидаги масала юзасидан овоз бериш натижаси:**

2. Бошқарув раисини сайлаш.

«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ бошқаруви раислигига Литвак Сергей Григорьевич номзоди тасдиқлансин.

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 132-20-56, 134-06-26.**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**«ОАО «УЗТАЪМИНБУТЛАШ»**

**проводит тендер на закупку металлопроката. Все предприятия и организации, желающие принять участие в тендерных торгах, могут направлять свои предложения в течении 30 дней с момента выхода данного объявления по адресу: г. Ташкент, ул.Амира Темура 25.**

**Контактные телефоны: 134-32-17, факс: 133-63-62, 134-57-33**

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 305-мактаб томонидан Икромов Жамол Жаҳонгирович номига 2002 йилда берилган ORZ 1412651 рақамли 9-синфни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят иш бошқарувчиси Юнус Зиёдовга укаси **Тўлқин ҲИДОЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 464
13418 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 01.30
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA